

«Ҳанафий мазҳабида ҳадислардан ҳукм олиш услублари» мавзусида малака оширилди



13:06 / 22.11.2025 918

Юртимизда диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтида «Ҳанафий мазҳабида ҳадислардан ҳукм олиш услублари» мавзусида тўрт ҳафталик ўқув дарслари ўтказилди.

Дарслар Иорданиядаги Ислом илмлари халқаро университети профессори (WICE), ҳанафий фикҳи факультети мудирини, шайх Салоҳ Муҳаммад Солим Абул Ҳаж ҳазратлари томонидан берилди. Тўрт ҳафта давомида юртимиздаги имом-домлалар, диний соҳа вакиллари малака ошириш дарсларида қатнашдилар. Дарс машғулоти жараёнида ҳадисларнинг мазҳабдаги ўрни, уларни тўғри тушуниш масалалари кенг муҳокама

қилинди. Имом-хатибларнинг бир нечта фикҳий саволларига жавоблар берилди.

Аввалги уч дарсда ҳадисларга амал қилишнинг назарий масалалари баён этилган бўлса, охириги дарсда ҳадисларга тааллуқли бўлган, турли саволларга сабаб бўладиган 17 та ҳукм танлаб олиниб, шу мавзуга алоқадор ҳадислар ўрганиб чиқилди. Давра сўнггида келажакда бундай дарслар давом эттирилиши борасида режалар қилинди.

«Ҳанафий мазҳабида ҳадислардан ҳукм олиш услублари»га доир ўқув машғулоти муваффақиятли якунланиб, дуои хайрлар қилинди.

Манба: [@hanafiyfakulteti](#)